

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Тошкент вилояти ЯБХ ИК
Директори
Э.Абдувалиев



" _____ 2022 й.

ЛОЙИХА ТОПШИРИҒИ

**Тошкент вилояти Тошкент тумани тумани «Ахиллик»
МФЙ худудида янги 120 ўринли МТТ қуриш.**

Тошкент 2022 й.

NN п/п	Асосий маълумотлар ва талаблар номи	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
1	Буюртмачи	Тошкент вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси.
2	Ишлаб чиқиш учун асослар	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПК 172- сонли қарори.
3	Қурилиш тури	Янги қурилиш
4	Молиялаштириш манбаи	Давлат бюджет маблағлари
5	Ажратилган маблағ, млн.сўм	4 800,0 млн.сўм
6	Лойиҳачи ташкилот-бош лойиҳачи номи	
7	Пудрат ташкилоти	Танлов савдолари (тендер) орқали аниқланади.
8	Объектнинг асосий техник-иктисодий кўрсаткичлари, куввати, унумдорлиги, ишлаб чиқариш дастури, шунингдек турар-жой бинолар, уларнинг вазифалар (қаватлар сони, секциялар ва квартиралар сони, қабул қилиш ва сиғим қобиляти)	120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти лойиҳасини ишлаб чиқиш (30 кишилик 4 та гуруҳ тўлиқ кун учун)
9	Архитектура-қурилиш, ҳажмли режалаштириш ва конструкцияли қарорларга, блокировкалаш шартлари, биноларни пардозлаш учун талаблар	Мактабгача таълим ташкилоти ҳудудида қуйидаги функционал майдончаларни жойлаштириш зарур: - гуруҳ бинолари; - жисмоний тарбия майдончалари; - хўжалик ишлари майдони; - ташқи болалар айвончаси; Мактабгача таълим ташкилотини жойлаштириш ва лойиҳалаштириш ишларида қуйидаги меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш талаб этилади: “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПКМ-391 ва ШНҚ 2.07.01.-03* “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантириш ва ривожлантиришни режалаштириш” ҳамда СанПИН ва ИКН 03-19 Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги “Мактабгача таълим ташкилотлари”. Бинода асосан қуйидагиларни кўзда тутиш лозим: - кичик гуруҳ (3 ёшдан 4 ёшгача бўлган болалар 30 ўрин); - ўрта гуруҳ (4 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар 30 ўрин); - катта гуруҳ (5 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар 30 ўрин); - тайёрлов гуруҳи (6 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар 30 ўрин);

		Ўйин хоналари, гуруҳлар ва ётоқ хоналари учун хоналарда табиий ёки бурчакли шамоллатиш таъминланиши керак. Рйчагли фрамугалар (деразанинг 50% дан кўп бўлмаган) ва шамоллатгичлар ҳар бир хонада бўлиши ва барча фаслларда ишлатилиши керак. Бўёқ билан пардозлаш ишларида фақат очик ранглардан фойдаланиш лозим. Ошхона қисмлари, кир ювиш хонаси, буфет ва ювиш хоналарининг деворлари, дазмол хонаси 1,8 м баландликда болаларнинг соғлиғи учун зарарсиз бўлган сирланган плитка ёки шунга ўхшаш материаллар билан қопланиши керак; ювиш ва зарарсизлантириш воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳовуз ҳаммомлари, душ хоналари ва залларнинг деворлари нам ишлов бериш учун қулай бўлиши лозим. Гуруҳ оралиқларининг ҳаммомларида деворлар 1,5 м баландликда қопланиши керак.
10	Ободонлаштириш ва кичик меъморий шаклларга қўйиладиган талаблар.	Лойиҳалаштиришда қуйидагиларни кўзда тутиш лозим: - кириш ва ички бетон йўллар; - пиёдалар йўлакчалари - бетон қопламали; -ўйин майдончалари, ўт қопламаларидан ташқари, зичланган тупроқ асосида болаларнинг соғлиғи учун зарарсиз бўлган замонавий синтетик материаллар (синтетик газон) билан қопланиши керак. Ўйин майдончаларидаги иншоотларнинг қопламаси сувга чидамли ва осон тозаланиши лозим; - Чўмилиш бассейнлари 20-25 м² катталиқдаги ва чуқурлиги ўзгарувчан 0.1-0.5 м чуқурликдаги эркин шаклда бўлиши лозим; - Ташқи болалар айвончаси ўриндиқлари билан таъминлансин.
11	Конструктив ечимларга, асосий ва тўсувчи конструкциялар материалларига қўйиладиган асосий талаблар.	1. Мактабгача таълим ташкилоти асосий биносида иситиш қозонлари, ўт ўчириш анжомлари ва насос билан таъминланиши лозим. Пойдевор – лентасимон ёки йиғма темир бетон блоклар; Бино каркаси конструкцияси – қуйма темир бетон ва ғиштли юк кўтарувчи конструкциялар билан аралаш тузилиши

		лозим; Деворлар – пишган ғиштдан. Ташқи деворлар 510 мм қалинликда (иссиқлик сақловчи материаллардан фойдаланиш). Ички деворлар 380мм, 250 мм қалинликда бўлиши шарт. Поллар- зал ва гуруҳ ётоқхоналарида кам сув ўтказувчан қопламаларга эга бўлиши лозим (иссиқ пол, тахта пол). Спорт залларида тахта (асосий бино), ошхона, душ ва санузеллар, эскирмайдиган ва сирпанмайдиган кафел плиталаридан фойдаланиш зарур. Ораёпмалар – думалок бўшлиқли темир бетон плиталар; Томқопламаси– 0,51 мм қалинликдаги ёғоч каркасга ўрнатиладиган рангли тунукадан фойдаланиш лозим. Ички тўсувчи деворлар (перегородки) – 120 мм қалинликда пишган ғишт; Деразага икки қаватли ойна ўрнатилган пластик профилдан тайёрланган деразалар ўрнатилади. Ички эшиклар ёғоч материаллардан ёки МДФ дан ишланиши лозим. Бино цоколида бетон плиткалардан фойдаланиш.
12	Мухандислик ва технологик жихозларга қўйиладиган асосий талаблар, технологик ускуналар рўйхати ва етказиб берувчининг номи.	Сув таъминоти ва канализация тизими. Мактабгача таълим ташкилоти ҳудуди ва асосий биноси шаҳар ва қишлоқ пунктларини режалаштириш ва ривожлантириш бўйича гигиена талабларига ва КМК 2.04.01-98 “Биоларнинг ички сув таъминоти ва канализацияси”, КМК 2.04.02-97 талабларига мувофиқ ичимлик, ўт ўчириш ва иссиқ сув таъминоти, оқова сув тизими билан таъминланиши шарт. Сув сифати амалдаги. O`zDSt 950-2011 ичимлик суви стандартларига мувофиқ санитария талабларига жавоб бериши керак. Совуқ ва иссиқ сув таъминоти тизимлари билан ошхона, ювиниш, болалар ва ходимлар учун хожатхоналар, кир ювиш хоналари, тиббиёт хоналари, қўл ювгичлар, хўжалик эҳтиёжлари учун жиҳозланиши лозим. Қўл ювгич ва ювиниш хоналарига

	берилаётган иссиқ сув ҳарорати 37°C дан ошмаслиги лозим. Овқатланиш блокига берилаётган иссиқ ҳарорати 65°C дан кам бўлмаслиги лозим. Совуқ ва иссиқ сув қувурлари ПВХдан амалдаги қоидалар талабларига мувофиқ материаллардан тайёрланган бўлиши керак. Чиқинди сувлар оқимини канализация тизими орқали чиқинди сувлар учун хандақларга ёки мавжуд марказий канализация тизимларига тушишини таъминлаш керак. Мавсумий ёғингарчилик сувларини мавжуд оқова сувлар тизимига йўналтириш ҳамда темир бетон лотоклари орқали чиқарилишини таъминлаш. КМК 2.04.02-97 Иссиқлик таъминоти, иситиш ва шамоллатиш тизими. Автоматлаштирилган, газ ва қаттиқ ёнилғида ишлайдиган, техник ходимларнинг доимий иштирокисиз ишлашга мўлжалланган ҳамда бир-биридан алоҳида ишлайдиган ёки марказлашган қозонлар орқали иссиқлик таъминоти билан таъминлаш лозим. Мактабгача таълим ташкилоти хоналарига ўрнатилган иситиш мосламаларининг ташқи ҳарорати 70°C дан ошмаслиги керак. Хоналарнинг нисбий намлиги, иситиш тизимини лойиҳалаш ҳарорати ва бинога ҳаво алмашинуви оралиғи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ қабул қилиниши керак. Бино ва хоналарни иситиш ва шамоллатиш тизими КМК 2.04.05-91 “Иситиш, шамоллатиш ва ҳавони тозалаш” меъёрий ҳужжатида мувофиқ ишлаб чиқирилиши керак. Иситиш тизимини лойиҳалашда замонавий биометаллдан ишланган радиаторларни ва сертификатланган пластик қувурлар ишлатилиши шарт. Гуруҳ хоналарида ҳаво совутиш ва тозалаш (кондиционирование) тизимни кўзда тутиш лозим. Электр таъминоти тизими. Электр тармоқларига уланиш нуқтасини аниқлаш. Шаҳар ва Қишлоқ ҳудудидаги МТТ учун электроэнергияси тармоқдан узилиб қолган тақдирда иситиш тизими циркуляцион насослари (дизел генератори) назарда тутилиши лозим. Электр жиҳозларни ПУЭ талаблари асосида
--	--

		жамоат бинолари учун электр таъминотини лойиҳалаш бўйича кўрсатмаларни ва бошқа амалдаги меъёрий хужжатларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш. Алоқа. Лойиҳада паст кучланишли тармоқлар ва алоқа тармоқларини (телевидения, интернет, видеокузатув, ёнғин хавфсизлиги сигнализацияси) тортиш шарт. Мактабгача таълим ташкилоти атрофи бўйлаб, овқатланиш бўлимида, гуруҳ хоналарида, сояли соябонли болалар гуруҳи ўйин майдончаларида видеокузатув ускуналарини ўрнатилиши шарт. Муассаса бинолари автоматик ёнғин хавфсизлиги сигнализациялари билан жихозланиши лозим.
13	Лойиҳалаш учун буюртмачи томонидан берилган дастлабки маълумотларнинг таркиби.	1. Танланган объект реконструкция бўлса, бинонинг ҳолати бўйича техник ҳулоса олиниши шарт. 2. Архитектура режалаштириш топшириғи (1 ва 2 қисм); 3. Муҳандислик ва геологик материаллар, топогеодезик хариталар натижалари; 4. Лойиҳаланаётган объектни муҳандислик коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шартлар: сув таъминоти, газ тармоқлари, электр тармоқлари (бош лойиҳачи томонидан энергия талабларини ҳисоблаб чиққандан кейин).
14	Смета хужжатларини тузиш услубига қўйиладиган талаблар.	Смета хужжатларини амалдаги меъёр ва қоидаларга амал қилган ҳолда ишлаб чиқилсин. Смета хужжатларини нархларни амалдаги тартибда ҳисоблансин (каталог асосида). Тақдим этиладиган смета хужжатлари таркиби қуйидагилардан иборат: - Жамланган ресурс ведомости; - Жамланган ресурс смета.
15	Лойиҳаланаётган объект таркиби	Лойиҳаланаётган мактабгача таълим ташкилоти ҳудудида қуйидаги бино ва иншоотлар кўзда тутилсин: - асосий бино; - 4та болалар гуруҳ ўйингоҳи ташқи болалар айвончаси билан биргаликда; - 1та жисмоний тарбия майдончаси; - 1та чўмилиш ҳавзаси; - назорат пункти; - маиший хизмат кўрсатиш майдони (чойшабларни қуришти, гилам ва бошқа анжомларни тозалаш жойлари билан); - ўт ўчириш учун мўлжалланган насос (зарур бўлганда); - сув таъминоти учун насос зарур ҳолларда сув сақлаш идиши билан;

		-хоналарни вентиляция тизими билан таъминлаш; - Ёнғинга қарши захира сув ҳовузи ҳажми - ҳисоб китоблар асосида танлансин; - Оқава сувлар тушадиган хандак ҳажми - ҳисоб китоблар асосида танлансин; - трансформатор подстанцияси; - дизельгенератори; - чиқиндилар учун майдонча; - олд томонидан очиқ тўсиқлар (ажурное ограждение); - уч томондан ёпиқ девор тўсиқлар; - Ташқи хожатхона 2 очко; - Сув тармоғи (захира сув ҳовузи).
16	Лойиҳа-смета ҳужжатлари бўлимларининг таркиби	БР (бош режа, шу жумладан ободонлаштириш); АЕ (архитектура ечимлари); Т/БК (темир-бетон конструкциялар); АҚ (архитектура-қурилиш ечимлари); ИТ (иситиш тизими). СК (сув таъминоти ва канализация); ЁХС(ёнғин хавфсизлиги сигнализацияси); ПКАТ (паст кучланишли ва алоқа тармоғи); ТЖ (технологик жихозлар) ТСТ (ташқи сув таъминоти тармоғи); ТКТ (ташқи канализация тармоғи); ЭТ (электр таъминоти); УТ (умумий тушунтиришлар); СМ (смета ҳужжатлари).
17	Қабул қилинадиган лойиҳавий ечимларга энергия самарадорлигини таъминлаш талаблар	Мактабгача таълим ташкилоти иншоотларида энергияни самарали тежаш бўйича чора-тадбирларни кўзда тутиш.
18	Ногиронлар ва аҳолининг кам ҳаракатланадиган гуруҳларининг яшаш шароитларини таъминлашга қўйиладиган талаблар	Ногиронлар учун пандусларни кўзда тутиш.
19	Ёнғин хавфсизлиги бўлимини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар.	Бўлимни амалдаги меъёр ва қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқиш, шунингдек ШНК “Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги” дан фойдаланган ҳолда.
20	Қурилиш муддати (йил)	2022 йил
21	Мухандислик тадқиқотларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар	Мухандислик тадқиқот ва изланишлар тегишли махсус лицензияси мавжуд ташкилотлар томонидан амалга оширилган (муҳандислик геологияси, гидрогеология, топографик сьемкалар ва бошқалар)
22	Лойиҳалаш ва қуриш учун махсус шартлар	Тошкент вилояти Паркент тумани «Оқтепа» МФЙ ҳудудида янги 120 ўринли МТТ қуриш. Объект жойлашган туман тавсифи: Меъёрий қор тушиш босими $S = 0,5 \text{ КПа}$ (50

		кг/м²) (КМК 2.01.07-96) Меъёрий шамол тезлиги босими $W = 0,38$ КПа (48кгс/м²) (КМК 2.01.07-96) Туман сейсмик кўрсаткичи - 8 бал (КМК 2.01.03-96)
23	Қурилиш объектининг мураккаблик тоифаси	II тоифа
24	Қўшимча талаблар	Ишчи лойиҳалар 3 нусхада ва электрон шаклда (PDF, форматда) 1 та қаттиқ дискга ёзилган тарзда тақдим этилиши керак. Лойиҳани экспертизадан ўтказиш учун техник кузатувни амалга ошириш ва ваколатли ташкилотлар билан лойиҳанинг айрим қисмларини тегишли тартибда келишиб олиш.
25	Қурилишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш (ПОС)	Бўлимни амалдаги меъёрий хужжатлар ва қоидаларга асосланиб ишлаб чиқиш.